

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРХАМИДОВА НАРГИЗА АБДУРАХМОН ҚИЗИ

НЕВРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН АЁЛЛАРДА
ЖИНСИЙ ДИСФУНКЦИЯНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ
ДАСТУРЛАРИГА ДАЛИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВЛАР

14.00.12 – Тиббий реабилитология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 618.17-008.14: 616.8-085

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирхамидова Наргиза Абдурахмон қизи

Неврологик касалликларга чалинган аёлларда жинсий
дисфункцияни реабилитация қилиш дастурларига
далилларга асосланган ёндашувлар..... 3

Мирхамидова Наргиза Абдурахмон қизи

Научно-обоснованные подходы к программам
реабилитации сексуальных дисфункций у женщин с неврологическими
расстройствами..... 27

Mirkhamidova Nargiza Abdurakhmon qizi

Scientifically-based approaches to rehabilitation
programs for sexual dys-functions in women
with neurological disorders..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРХАМИДОВА НАРГИЗА АБДУРАХМОН ҚИЗИ

**НЕВРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН АЁЛЛАРДА
ЖИНСИЙ ДИСФУНКЦИЯНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ
ДАСТУРЛАРИГА ДАЛИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВЛАР**

14.00.12 – Тиббий реабилитология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2757 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманходжаева Адибахон Амирсандовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хаджиметов Абдугафур Ахатович
биология фанлари доктори, профессор

Иванова Ирина Ивановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Астана тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18А-уй. Тел/факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18А-уй. Тел/факс: (+99866) 233–30–34).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.А. Ярмухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Оламда бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) «...репродуктив ва жинсий саломатликни миллий режалаштириш ва бюджетни шакллантиришнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳамда аёллар жинсий ва репродуктив саломатлигини ҳимоя қилишга кенг миқёсда эришиш учун жамоатчилик ва нодавлат гуруҳлар иштироки билан соғлиқни сақлаш тизими салоҳиятини ошириш...»¹ муаммоларни ечимига чақирмоқда. Неврологик касалликлар ва улар билан боғлиқ марказий асаб тизимининг шикастланиши жисмоний, психологик ва ижтимоий функцияларнинг бузилишига олиб келади, бу эса ҳаёт сифатини сезиларли даражада салбий оқибатларга олиб келиши исботланган. Бугунги кунда турли неврологик касалликларда жинсий бузилишларни даволашда кўп тармоқли ёндашувлар бунда психологик, жисмоний, шахслараро ва физиологик жиҳатларга тегишли чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш ва алоҳида эътибор талаб қилувчи муҳим муаммо деб ҳисобланади.

Дунё бўйлаб, муаммонинг долзарблигини инобатга олган ҳолда изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра бош мия жароҳатлари (БМЖ) асоратларидан азият чекадиган аёлларда жинсий дисфункция даражаси 36% дан 54% гача аниқланади. Бу кўрсаткич эса неврологик касалликларга эга бўлмаган аёллардаги жинсий дисфункциялар (ЖД) кўрсаткичларидан 2 баравар кўпроқдир. Инсултни бошдан кечирган беморларда ЖД 30% дан 70% гача учрайди. Аёллардаги ЖД биологик, тиббий ва физиологик омилларни ўзида акс эттирувчи кўп тармоқли қисмдир. Ҳозирги кунгача ЖДнинг ягона классификацияси ва даволаш тактикасига оид қизғин мунозаралар давом этмоқда. Бунда беморларга мажмуавий реабилитация ёрдамини кўрсатиш, шахсий ёндашиш ва қайта тиклаш дастурларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва асослаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатига кўра, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда, масалан: «...репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болалар касалликлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар ва тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек уларнинг натижаларини кенг жорий етиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш...»². Шу муносабат

¹ <https://www.who.int/publications/i/item/WHO-RHR-10.12>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида"ги қарори.

билан аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш дастурлари замонавий тиббий хизматлар ва халқаро сифат стандартлари даражасига олиб чиқиш зарурдир. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, реабилитация хизматини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4478-сонли "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитар ёрдам фаолиятига мутлақо янги механизмларни тадбиқ этиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6110-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги "Ўзбекистон - 2030" стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI "Тиббиёт ва фармакология" йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда тарқоқ склероздан азият чекадиган 85%гача аёллар бир ёки бир нечта, 30%гача 5 ва ундан ортиқ ва 13%гача 10 ва ундан ортиқ жинсий дисфункциядан шикоят қиладилар. Жинсий дисфункция симптомлари эрта ёшларда, масалан 30 ёш атрофида пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабдан бу аҳоли қатламида бошқа сурункали касалликларга нисбатан жинсий муаммоларнинг кенг тарқалганлик даражаси юқори туйилади. Далиллар шуни кўрсатадики, маълум ёш гуруҳларда (46-55) БМЖдан кейинги оқибатлари бўлган аёллар бошқаларга караганда жинсий функциянинг сезиларли даражада пасайганлигини ҳис қилишлари мумкин. Шегреннинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кундалик ҳаётдаги мустақиллик даражаси жинсий фаолликнинг ишончли башоратчиси бўлиб хизмат қилади. Ушбу топилмалар Кимура ва Мурата тадқиқотлари билан тасдиқланган бўлиб, у функционал бузилишлар ва ЖД ўртасида ижобий боғлиқликни аниқлади. Инсулт ўтказган беморлар ўртасидаги сўровномада эр-хотинларнинг 55 фоизи гемипарезни жинсий фаолликка асосий тўсиқ деб атаган, 29 фоизи спастикликни, 19 фоизи сезувчанликни бузилишини ва 14 фоизи афазияни жинсий фаолият тўхтатишининг асосий сабаби деб атаган. Ченгнинг тадқиқотларида инсултдан кейинги енгил ногиронлиги

бўлган ёки бўлмаган аёлларнинг 50% дан ортиғи инсултдан олдин ЖД борлиғи ҳақида хабар берганлиғи қайд этилган. Бироқ, инсулт оқибатларидан кейин ЖД тарқалиши сезиларли даражада, 75% гача, кўтарилди. Инсултдан олдин аёлларнинг учдан бир қисми орғазмга эришиш қийинлиғи ҳақида хабар берган бўлса, инсултдан сўнг аёлларнинг 50% орғазм билан боғлиқ қийинчиликлар ҳақида хабар берган (Дусенбурй, Ш., Ҳилл, Т.Ж., Мосаск, В., Стеинке, 2020).

Республикамизда тарқоқ склерозда тос аъзоларининг дисфункцияси туфайли юзага келадиган жинсий дисфункциялар тез-тез кузатилади ва 70,1% га этади. Шу билан бирга, ёш беморларнинг 29,8 фоизда жинсий функцияларнинг бузилиши ҳақида шикоятлар энг кўп қайд этилган. Шунингдек, ЖДнинг тез-тез учрайдиган сабаблари сурункали тос суяғи оғриғи бўлиб, йилига аёлларнинг 60% дан кўпроғи мурожаат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиғи. Ушбу диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2020-2022) илмий-тадқиқот ишларининг тематик режасига мувофиқ амалга оширилди (давлат рўйхатидан ўтказиш рақами 01.1100158) ва республикада олиб борилаётган устувор илмий тадқиқотларга мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Неврологик бузилишлари бўлган аёлларда жинсий дисфункцияларни баҳолашнинг солиштирма таҳлилини ўтказиш ва реабилитация дастурларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

неврологик касалликларга чалинган аёлларда клиник-неврологик ҳолатни ва жинсий дисфункцияларини баҳолашни ўтказиш;

инсулт, бош мия жароҳатлари оқибатлари бўлган ва тарқоқ склерозга чалинган аёлларда жинсий дисфункциянинг ривожланиш даражасини ўрганиш ва кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

тадқиқот қатнашчиларининг психо-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

реабилитация дастурларида тикланиш босқичларида фарқланган ёндашувларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти: тадқиқотга ТМА кўп тармоқли клиникасида ва Ибн-Сино номидаги 1-шаҳар клиник шифохонасида 2022 йилдан 2024 йилгача даволанаётган 133 аёл (ўрта ёши $45 \pm 11,6$) киритилди. Беморлар 2 гуруҳга бўлинди (мақсадли ва назорат гуруҳи), уларнинг ташхислари бўйича: БМЖ оқибатлари билан 53 нафар аёл (39,8%), улардан 26 таси мақсадли гуруҳда ва 27 таси назорат гуруҳида; тарқоқ склерозга чалинган 33 аёл (24,8%), улардан 17 таси мақсадли гуруҳда ва 16 таси назорат гуруҳида; инсулт оқибатлари билан - 47 аёл (35,3%), улардан 24 таси мақсадли гуруҳда ва 23 таси назорат гуруҳида.

Тадқиқот усуллари: беморларнинг клиник-неврологик хусусиятлари, сийдик-таносил тизими органларининг ултратовуш текшируви, мия ёки орқа мия МРТси, тос ости мушакларининг электромиография (ЭМГ) натижалари, аёлларнинг гормонал фони таҳлили, шунингдек FSFI, FIM, FSDS-R, SQoL-F сўровномалари натижалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, лаборатор-инструментал, электрофизиологик ҳамда статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагича:

неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункцияларни ташхислашда қўлланилган (FIM, FSFI, FSDS-R, SQoL-F, MOS) суровномалар натижалари билан пирамидал етишмовчилиги, мувозанат ва сезувчанлик бузилишлари ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланган;

неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункцияларни даволашда мултидисциплинар ёндашувлар илмий асосланган ва такомиллаштирилган реабилитация дастури ишлаб чиқилган;

неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункция даражаси билан жинсий функция, жинсий дистресс даражаси, функционал мустақиллик, ҳаёт сифати ва чанок туби мушаклари кучи каби кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган;

жинсий дисфункциялари бўлган беморларда комплекс реабилитация қилиш чора-тадбирлари доирасида биологик қайта алоқа услубияти, тери ости тиббал нерв стимуляцияси руҳий-жинсий даволаш махсус дастури билан биргаликда қўлланилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

неврологик касалликларга чалинган беморларда жинсий дисфункцияларни ташхислашда клиник ва неврологик хусусиятлар, сўров натижалари ва юзаки ЭМГ мезонларини ўз ичига олган реабилитацияга мултидисциплинар ёндашувларни қўллаш беморларда ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берган;

аёлларнинг эҳтиёжлари ва ихтиёрларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал реабилитация дастурлари даволаниш самарадорлигини ошириши ва муваффақиятли мослашишни таъминлаши исботланган;

БҚА, ТТНС терапиялари ва жинсий маслаҳат усулларини инсулт, бош мия жароҳати оқибатлари бўлган ва тарқоқ склерозга чалинган аёлларда қўллаш натижасида, тос ости мушаклари ҳолатининг яхшиланиши кузатилган ва шу билан жинсий дисфункция симптомлари камайган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи замонавий клиник, неврологик, инструментал тадқиқот ва даволаш усуллари билан фойдаланиш; далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари асосида ўтказилган натижалар; маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар ўртасида таққослаш натижасида олинган хулосалар ва ваколатли органлар томонидан маъқуллаш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункцияларни реабилитация қилишда мултидисциплинар ёндашув самарадорлигини асослаш имкони берилган. Мутахассисларнинг мувофиқлашган ҳамкорлигининг физиологик, гормонал ва психоэмоционал бузилишларни бартараф этишдаги ўрни аниқланган, бу эса реабилитация жараёнларини стандартлаштириш ва уларни клиник амалиётга жорий этиш учун асос яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган индивидуаллаштирилган реабилитация дастурлари неврологик беморларни реабилитация қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасалари амалиётида қўлланилиши мумкин бўлган. Шунингдек, ушбу дастурлар неврология, сексология ва реабилитация соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларига интеграция қилиниши мумкин бўлган.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш. Неврологик касалликларга чалинган аёлларда жинсий дисфункцияни реабилитация қилиш дастурларига далилларга асосланган ёндашувлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункцияларни ташхислашда қўлланилган (FIM, FSFI, FSDS-R, SQoL-F, MOS) суровномалар натижалари билан пирамидал етишмовчилиги, мувозанат ва сезувчанлик бузилишлари ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланган. Бу бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги эксперт кенгашининг 2024 йил 21 июндаги 06-24/339-т - сон билан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных мероприятий сексуальных дисфункций у женщин с неврологическими расстройствами” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 2-сонли шаҳар клиник шифохонасида 2024-йил 29-июлдаги 36-сон буйруқ билан ва Тошкент вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 2024-йил 23-июлдаги 35/1-д-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* неврологик бузилишларга эга аёлларда жинсий дисфункцияларни эрта ташхислаш, беморларнинг даволаниш муддатини қисқартириш, психологик стрессни камайтириш орқали ҳаёт сифатини яхшилаб, оилавий ва ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш имконини берганлиги билан изоҳланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари неврологик бузилишларга эга аёлларда жинсий дисфункцияларни реабилитация қилишда узоқ муддатли даволанишига бўлган эҳтиёжни камайтиришга ва шифохонада даволаниш жараёнини қисқаришига ёрдам берган. Бу эса ҳар бир бемор учун иқтисодий самарадорликни йилига ўртача 4 030 820 сўмга оширган ва аёлларнинг 25% гача меҳнат қобилиятини

тиклаши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик билан боғлиқ иқтисодий йўқотишларни камайтирган.

иккинчи илмий янгилик: неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункцияларни даволашда мултидисциплинар ёндашувлар илмий асосланган ва такомиллаштирилган реабилитация дастури ишлаб чиқилган. Бу бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 21 июндаги 06-24/339-т - сон билан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных мероприятий сексуальных дисфункций у женщин с неврологическими расстройствами” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 2-сонли шаҳар клиник шифохонасида 2024-йил 29-июлдаги 36-сон буйруқ билан ва Тошкент вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 2024-йил 23-июлдаги 35/1-д-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* мутахассисларнинг интеграцияланган ҳамкорлиги беморларнинг ҳолатини комплекс равишда яхшилашга ёрдам берган, бу эса ишдан четлашган кунлар сонининг қисқариши ва ҳаётдан мамнунлик даражасининг ошиши билан ифодаланган. Жинсий функцияларнинг ва умумий психоэмоционал ҳолатнинг яхшиланиши беморларнинг ижтимоий ва касбий фаолиятга тезроқ қайтишларига олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* интеграцияланган ёндашув реабилитация тадбирларининг давомийлиги ва қийматини қисқартириб, даволаш самарадорлигини оширган, бу эса бир бемор учун йиллик харажатларни 7 864 000 сўмдан тахминан 3 750 000 сўмгача камайтириш имкониятини берган.

учинчи илмий янгилик: неврологик касалликлари бўлган аёлларда жинсий дисфункция даражаси билан жинсий функция, жинсий дистресс даражаси, функционал мустақиллик, ҳаёт сифати ва чаноқ туби мушаклари кучи каби кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган. Бу бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 21 июндаги 06-24/339-т - сон билан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных мероприятий сексуальных дисфункций у женщин с неврологическими расстройствами” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 2-сонли шаҳар клиник шифохонасида 2024-йил 29-июлдаги 36-сон буйруқ билан ва Тошкент вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 2024-йил 23-июлдаги 35/1-д-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Аниқ ташхис асосидаги индивидуаллашган ёндашув реабилитация дастурларини шаклланишига ёрдам берган, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини кўтаришга(40%гача), функционал мустақилликни оширишга (15%) ва психоэмоционал ҳолатни яхшилашга (30%гача) ижобий таъсир кўрсатган. Бу ўз навбатида ижтимоий мослашув ва жамиятга интеграцияни яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* беморларнинг умумий ҳолатни аниқ баҳолаш ресурсларни

самарали тақсимлаш ва оптимал даволаш чораларини белгилаш имконини берган, бу эса реабилитация харажатларини қисқартиришга олиб келган. Ушбу методни қўллаш стандарт схемаларда мавжуд бўлган ортикча харажатларнинг олдини олган ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлаган, натижада ҳар бир бемор учун йиллик харажатлар 52,3% (4 114 000 сўм) гача камайган.

тўртинчи илмий янгилик: жинсий дисфункциялари бўлган беморларда комплекс реабилитация қилиш чора-тадбирлари доирасида биологик қайта алоқа услубияти, тери ости тиббиал нерв стимуляцияси рухий-жинсий даволаш махсус дастури билан биргаликда қўлланилиши асосланган. Бу бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 21 июндаги 06-24/339-т-сон билан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных мероприятий сексуальных дисфункций у женщин с неврологическими расстройствами” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 2-сонли шаҳар клиник шифохонасида 2024-йил 29-июлдаги 36-сон буйруқ билан ва Тошкент вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 2024-йил 23-июлдаги 35/1-д-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари орқали беморларнинг жинсий функциялари барқарор равишда яхшиланишига, депрессия даражаси сезиларли пасайишига, бу эса аёлларнинг шахсий ҳолатини яхшилаб, уларнинг оилавий ва жамиятдош муносабатларини мустаҳкамлаш имконини берганлиги билан изоҳланган. *Иқтисодий самарадорлик:* янги алгоритм бўйича реабилитация даволаш жараёнининг тезлашиши ва терапевтик эффектнинг барқарорлиги сабабли, даволаш харажатлари қисқарган. Экспериментал гуруҳда бир бемор учун йиллик харажатлар 3 750 000 сумгача камайган, бу эса ушбу алгоритмнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларни оптималлаштиришда юқори потенциалга эга эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий конференцияда тақдим этилди ва муҳокама қилинди, улардан 3 таси халқаро ва 1 таси халқаро иштироки бор маҳаллий илмий конференция.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 114 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми танланган мавзусининг долзарблигини ва талабгорлигини асослайди, мақсад, вазифалар, шунингдек тадқиқот объекти ва предметини шакллантиради. Ўзбекистон Республикасини илмий-техник ривожлантиришнинг устувор йўналишларига ушбу тадқиқот иши мувофиқлиги таъкидланади. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, унинг илмий янгилиги кўрсатилган, шунингдек олинган натижаларни амалиётга жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг биринчи бобда жинсий дисфункцияларнинг адабий манбалари ва патофизиологик механизмлари таҳлил қилинган. Шунингдек, биринчи бобда аёлларда неврологик патологиялар билан боғлиқ диагностик мезонлар, клиник хусусиятлар ва жинсий дисфункциянинг уларнинг соғлиғига таъсири келтирилган. Шунингдек, замонавий терапевтик усуллари ва неврологик касалликлар фонида жинсий дисфункцияга эга беморлар учун жисмоний реабилитация имкониятлари кўриб чиқилган. Манбаларни батафсил таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг долзарблиги кўрсатиб берилган.

Иккинчи боб **“Неврологик касалликларга эга аёлларда жинсий дисфункцияларни ўрганиш учун материаллар ва тадқиқот усуллари”**да тадқиқот дизайни, ишлатилган материаллар ва методларни, беморларнинг клиник тавсифини, шунингдек, қўлланилган статистик таҳлил усуллари ни ўз ичига олган.

Тадқиқотга 2022 йилдан 2024 йилгача Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-шаҳар шифохонаси, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармокли клиникаси ва "Jacksoft" хусусий клиникаси базасида 25 ёшдан 66 ёшгача (ўртача ёш $45 \pm 11,6$ йил) неврологик касалликлари, жинсий фаолликда мавжуд чекловлари ва жинсий дисфункция билан боғлиқ сезиларли ноқулайликка эга бўлган 133 нафар аёл киритилган.

1-жадвал

Тадқиқот иштирокчилари орасида категорик ўзгарувчиларнинг тавсифловчи статистикаси

| Кўрсаткичлар | Категориялар | Абс. | % | 95% ИО |
|--------------|-------------------|------|------|-------------|
| Ташхис | БМЖ оқибатлари | 53 | 39,8 | 30,5 – 58,7 |
| | Инсулт оқибатлари | 47 | 35,3 | 18,7 – 45,1 |
| | Тарқоқ склероз | 33 | 24,8 | 6,9 – 28,1 |
| Гуруҳ | I гуруҳ | 67 | 50,3 | 35,8 – 64,2 |
| | II гуруҳ | 66 | 49,6 | 35,8 – 64,2 |

Ушбу тадқиқот дизайни жинсий дисфункцияга эга бўлган аёлларда клиник ва параклиник маълумотларни таққослашни ўз ичига олган. Беморлар орасида умумий аёллар сонининг 50,3% ни ташкил этган мақсадли гуруҳга дастлабки ташхисга мувофиқ медикаментоз терапиясидан ташқари, жинсий

дисфункцияни даволаш учун тўрт ҳафталик психофизик тузатишнинг комплекс дастури қўлланилган. Ушбу дастур индивидуал равишда ишлаб чиқилган реабилитация режаларини ўз ичига олган, булар: БҚА ва ТТНС-терапиялари, жинсий маслаҳатлар. 2-гурух (назорат) иштирокчиларнинг 49,6% ни ташкил этган ҳолда, дастлабки ташхисга мувофиқ медикаментоз терапияси ва уй шароитида Кегел машқлари қўлланилган, 1-жадвал.


Мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун ушбу тадқиқот 3 босқичга бўлинган. Тадқиқотнинг биринчи босқичи иштирокчиларни танлашни ўз ичига олган, бунда дастлабки клиник кўрик ёрдамида неврологик касаллик даражаси баҳоланди ва жинсий дисфункциянинг оғирлигини аниқлаш учун беморларда сўровномалар ўтказилган. Тадқиқотга турли неврологик касалликлар ва жинсий дисфункциялар билан иштирок этувчи аёллар жалб қилинганлиги сабабли, иштирокчиларни танлаш жараёни якунланганидан кейин рандомизация қилиш қарори қабул қилинган. Тадқиқотнинг иккинчи босқичи барча иштирокчиларнинг жинсий дисфункцияни комплекс тузатиш дастури бошланишидан олдин қўшимча сўровнома ўтказилишини ва уларни танланган даволаш дастурларига мувофиқ гуруҳларга ажратишни кўзда тутилган. Тадқиқотнинг учинчи босқичи ЖД тузатиш дастурларининг самарадорлигини комплекс баҳолашга, шунингдек, неврологик касалликларга эга бўлган аёлларнинг ҳаёт сифати ва психофизик соғлиқ параметрларини баҳолашга бағишланган.

Тадқиқотга бемор аёллар жинсий функциясининг индекси (FSFI), аёллар жинсий дисфункцияси шкаласи (FSDS-R), функционал мустақиллик шкаласи (FIM), аёлларда жинсий ҳаёт сифати шкаласи (SQoL-F), Модификацияланган Оксфорд шкаласи (Modified Oxford Scale), каби сўровномаларни тўлдириш билан ўтказилган комплекс текширувдан сўнг киритилган. Инструментал тадқиқот усуллари ҳам ўтказилган: сийдик - таносил тизими органларининг ултратовуш текшируви (УЗТ), мия ва орқа мия магнит-резонанс томографияси (МРТ), электрофизиологик тадқиқотлар (ЭМГ, сакрал рефлекслар). Шунингдек, ўтказилган терапия турлари ва ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаш билан статистик маълумотлар тасвирланган.

Маълумотларнинг статистик таҳлили IBM SPSS Statistics 23 дастури ёрдамида ўтказилган. Миқдорий маълумотларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқлаш учун боғлиқ ўзгарувчилар учун Уилкохон тести ва боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар учун Манн–Уитни тести қўлланилган, сифатли кийматлар учун эса Фишернинг аниқ тести ишлатилган. Гуруҳлараро фарқлар $p < 0,05$ да ишончли деб ҳисобланган.


“Ўз тадқиқотлари натижалари” номли учинчи бобда тадқиқот катнашчиларининг клиник-неврологик характеристикаси, шунингдек, терапиядан олдин ва кейинги даврлардаги сўровномалар натижалари келтирилган.

Барча тадқиқот иштирокчилари 2016 йилдаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таснифига мувофиқ ёш гуруҳларига бўлинган (1-расм). Шу билан бирга, аниқланишича, тадқиқотда иштирок этганларнинг 51,1% ёш аёллардан иборат бўлган.



1-расм. Беморларни ЖССТ таснифи бўйича ёш гуруҳларга тақсимланиши

Неврологик ҳолатни баҳолашда қуйидаги жиҳатлар таҳлил қилинган: ҳаракат (пирамидал) бузилишлар мавжудлиги, вегетатив тизимнинг функционал ҳолати, координация бузилишлари, олий психик функцияларнинг ишлаши, шунингдек, ЖД эга бўлган аёлларда сезувчанлик соҳасининг ҳолати (2-расм).



2-расм. Беморларнинг асосий таъхисига нисбатан клиник-неврологик характеристикаси

Пирамидал симптомлар 47 та инсултни бошдан кечирган беморлардан 32 нафаридан (68,1%) ва БМЖни бошдан кечирган 12 нафар аёлларда (22,6%) минимал даражада аниқланган, аммо ТС билан оғриган 30 нафар беморда (90,1%) пирамидал етишмовчилик жиддий даражада бўлган. Энг яққол ҳаракат бузилишлари бўлган беморлар алоҳида кичик гуруҳга ажратилган: улар 23 та (69,6%) ТС билан оғриган беморлар ва 28 та (59,5%) инсултни бошдан кечирган аёллардан иборат бўлган, БМЖдан кейинги беморларда эса яққол ҳаракат дефицити кузатилмаган. Координатор бузилишлар 12 та (25,5%) инсултни бошдан кечирган аёлларда, 19 та (57,6%) ТС билан оғриган беморларда ва 25 та (47,2%)

БМЖдан кейинги беморларда аниқланган. Сезувчанлик бузилишлар ТС билан оғриган 29 та (87,8%) беморда, инсултни бошдан кечирган 18та (38,2%) аёлда ва БМЖдан кейин 5та (9,4%) беморда кузатилган. Юкори кортикал функцияларининг бузилиши 20 та (42,5%) инсулт билан оғриган беморларда, 10 та (30,3%) РС билан оғриган беморларда ва 2 та (3,7%) БМЖдан кейин аниқланган. Юкори кортикал функциялар бузилишлари гнозис, праксис, шунингдек, нутқ бузилишлари (мотор/сенсор афазия, дизартрия) кўринишида намоён бўлган. Вегетатив бузилишлар неврологик касаллик табиатига қараб турли аломатларда намоён бўлган. Инсултни бошдан кечирган беморларда юрак уриши ва қон босими ўзгаришлари кўринишида намоён бўлган. БМЖ ўтказган беморларда эса ваҳима хужуми, юрак уриши ва ҳаво етишмаслиги ҳисси кузатилган. ТС билан оғриган аёлларда ҳам ваҳима хужуми, қон босими ўзгаришлари ва ичак ишлаши бузилишлари кузатилган. Бундан ташқари, барча беморларда тос ости мушаклари етишмовчилиги симптомлари, шу жумладан, пешобни ушлаб тура олмаслик, пешоб чиқаришга каттиқ эҳтиёж сезиш ёки пешоб тўхтаб қолиши, шунингдек, ЖД бузилишлари қайд этилган.

Олинган натижалар тадқиқот гуруҳида ҳам, назорат гуруҳида ҳам даволанишдан олдин барча сўровномалар бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатган. Реабилитация ўтказилгандан сўнг олинган натижалар мақсадли гуруҳда барча сўровномалар бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни кўрсатган (2-жадвал).

2-жадвал

Неврологик бузилишларга эга бўлган аёлларда даволанишдан олдин ва кейин жинсий дисфункцияларни аниқлаш учун икки гуруҳда сўровномаларнинг таққослама натижалари

| | 1 гуруҳ | | 2-гуруҳ | |
|--------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| | даволанишдан олдин | даволанишдан кейин | даволанишдан олдин | даволанишдан кейин |
| FSDS-R | 38,4±7,3 | 8,8±3,6*** | 37,8±7,8 | 21,8±4,2***^^^ |
| FIM | 105,1±16,4 | 118,9±6,7*** | 105,1±16,2 | 114±11,6***^ |
| FSFI | 17,6±6,1 | 28,7±4,3*** | 17±5,9 | 25,6±5,3***^^^ |
| MOS | 2,9±0,9 | 4,7±0,5*** | 3±0,9 | 4±1***^^^ |
| SQoL-F | 88,6±12,4 | 44±6,2*** | 88,3±13,6 | 52,5±8,1***^^^ |

Изоҳ: *- $p < 0.05$, **- $p < 0.01$, *** * – $p < 0.001$ -даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамияти. ^- $p < 0.05$, ^^ - $p < 0.01$, ^^ - $p < 0.001$ – 1-гуруҳнинг тегишли кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамияти.

Шкала FIM бўйича баҳолашда ҳам мақсадли, ҳам назорат гуруҳларида даволаш самарадорлиги кузатилганига қарамай, мақсадли реабилитация аралашувини олган гуруҳда яхшиланиш даражаси статистик жиҳатдан анча юкори бўлган. Бу танланган реабилитация усули мақсадли гуруҳда неврологик бузилишлар ва ЖДга эга бўлган аёлларда функционал мустақилликнинг яққолроқ ижобий ўзгаришларига олиб келишини кўрсатган (3-жадвал).


3-жадвал

I ва II гуруҳларда даволашгача ва даволашдан кейин FIM шкаласи бўйича баҳолаш (n=133)

| FIM | 1 гуруҳ | | 2 гуруҳ | |
|-------------------|-----------|--------------|-----------|--------------|
| | олдин | кейин | олдин | кейин |
| Ўтказилган БМЖ | 122,5±2,1 | 125,5±0,9*** | 121,9±1,8 | 125,3±0,9* |
| Ўтказилган инсулт | 96,8±10,1 | 116,2±5,4*** | 96,1±9,3 | 108±8,9^^^ |
| ТС | 90,1±11,2 | 112,8±4,9*** | 89,8±11,3 | 103,4±7,9^^^ |

Изоҳ: *- $p < 0.05$, ** - $p < 0.01$, *** - $p < 0.001$ - даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамияти. ^- $p < 0.05$, ^^ - $p < 0.01$, ^^ - $p < 0.001$ - I-гуруҳнинг тегишли кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамияти.


Тадқиқотда иштирок этган барча аёлларда даволанишдан олдин асосий неврологик касалликка боғлиқ равишда турли даражадаги ЖД кузатилган. Бошланғич ташхисга қараб сўровномалар натижалари фарқ қилган. ТС билан оғриган беморларда сўровнома даволанишдан олдинги натижалари инсултни бошдан кечирган беморларга нисбатан ёмонроқ бўлган, энг енгил бузилишлар эса БМЖни бошдан кечирган беморларда кузатилган. Икки гуруҳ натижалари таққосланганда, мақсадли гуруҳда назорат гуруҳга нисбатан юқорироқ самарадорлик аниқланган. Бу танланган даволаш режими ва реабилитация тадбирларининг мақсадли кўрсаткичларга эришишда устунлигини тасдиқлаган (3-расм).



3-расм. Икки гуруҳда FSDS-R сўровнома кўрсаткичларининг таққосий баҳолаши


FSFI орқали олинган бошланғич маълумотлар аралашувгача икки гуруҳда статистик аҳамиятга эга фарқ аниқланмаган. Бу икки гуруҳда даволашдан олдин аёлларда ЖД яққол фарқлар йўқлигини кўрсатган (4-расм).

Даволаш якунлангандан сўнг FSFI балларининг сезиларли ошиши мақсадли гуруҳда қайд этилди, бу асосан субдоменлар: лубрикация, кўзғалиш ва оргазмдаги яхшиланиш ҳисобига содир бўлган. Ушбу субдоменлар генитал кўзғалиш билан боғлиқ. Назорат гуруҳида эса фақат истик ва оргазмда яхшиланиш қайд этилган.




4-расм. Икки гуруҳда FSFI сўровнома кўрсаткичларининг таққосий баҳоланиши

SQoL-F сўровномаси орқали олинган натижалар ҳар бир беморнинг эҳтиёжларини яхшироқ тушунишга ёрдам берган ва индивидуаллаштирилган даволаш ва реабилитация режаларини ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнаган. Даволанишдан олдин икки гуруҳда ҳаёт сифати кўрсаткичлари статистик аҳамиятли фарқга эга эмас бўлган (5-6-расм).



5-расм. Беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари икки гуруҳда даволашдан олдин



6-расм. Беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари икки гуруҳда даволашдан кейин

Терапия якунлангандан сўнг ҳар бир гуруҳда ҳаёт сифати қайта баҳоланган, бу ўтказилган даволанишнинг самарадорлигини баҳолашда муҳим компонент бўлган. Шу билан бирга, даволанишдан кейин мақсадли ва назорат гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Ҳаёт сифати кўрсаткичлари икки гуруҳда даволашдан олдин ва кейин

| SQoL-F | 1 гуруҳ | | 2 гуруҳ | |
|-------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| | даволанишдан олдин | даволанишдан кейин | даволанишдан олдин | даволанишдан кейин |
| Ўтказилган БМЖ | 74,1±4,3 | 36,8±2,2*** | 74,5±10,4 | 44,3±6,2***^^ |
| Ўтказилган инсулт | 98±3,6 | 48,6±2*** | 98,4±3,3 | 58,6±2,1^^ |
| ТС | 97,5±5 | 48,4±2,5*** | 97±4,1 | 57,6±2,6^^ |

Изоҳ: *- $p < 0.05$, ** - $p < 0.01$, *** * - $p < 0.001$ -даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамияти. ^- $p < 0.05$, ^^ - $p < 0.01$, ^^ - $p < 0.001$ – 1-гуруҳнинг тегишли кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамияти.

Тадқиқотда MOS шкаласи бўйича тос ости мушаклари кучини баҳолашда назорат ва мақсадли гуруҳларда кўрсаткичлар статистик жиҳатдан фарқ қилмаган. Шу билан бирга, энг паст кўрсаткичлар ТС билан оғриган беморларда қайд этилган.

5-жадвал

Икки гуруҳда MOS шкаласи бўйича тос ости мушаклари кучининг кўрсаткичлари (даволанишдан олдин ва кейин)

| Modified Oxford Scale | 1 гуруҳ | | 2 гуруҳ | |
|-----------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| | даволанишдан олдин | даволанишдан кейин | даволанишдан олдин | даволанишдан кейин |
| Ўтказилган БМЖ | 3,5±0,5 | 5±0*** | 3,6±0,5 | 5±0* |
| Ўтказилган инсулт | 3,1±0,6 | 4,8±0,4*** | 3,1±0,5 | 3,7±0,4^^ |
| ТС | 1,9±0,7 | 4,1±0,7*** | 1,9±0,7 | 2,6±0,5^^ |


Изоҳ: *- $p < 0.05$, ** - $p < 0.01$, *** * - $p < 0.001$ -даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамияти. ^- $p < 0.05$, ^^ - $p < 0.01$, ^^ - $p < 0.001$ – 1-гуруҳнинг тегишли кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамияти.

Даволанишдан кейин мақсадли гуруҳда MOS шкаласи бўйича кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши қайд этилган: биринчи гуруҳда тос ости мушаклари кучининг яхшиланиши учта ташхис учун ҳам яққолроқ бўлган, айниқса, ўтказилган инсулт ва тарқоқ склероз билан оғриган беморларда. Назорат гуруҳида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилган, аммо улар камроқ аҳамиятли бўлган, бу биринчи гуруҳда қўлланилган терапиянинг юқори самарадорлигини таъкидлайди.


Шунингдек, учинчи бобда тос ости мушакларининг дисфункциясини кўрсатувчи электромиографик тадқиқот натижалари келтирилган. Бу натижалар ЖД диагностикаси учун юзаки ЭМГ қўлланилишини асослайди. ЭМГ натижалари БҚА ва ТТНС терапияси ёрдамида

неврологик касалликларга эга беморларда тос ости мушакларининг дисфункциясини бартараф этишда самарадорлигини кўрсатилган. Тадқиқотда тос ости мушакларини баҳолаш учун қуйидаги мушаклар текширилган: **m.bulbocavernosus** (булбокаверноз мушак), **m.pubococcygeus** (пубо-кокцикуляр мушак), **m.ilioococcygeus** (илио-кокцикуляр мушак).

